

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 9-sentabr • № 37 (3814)

ИСТЕЪДОДЛАР КЕРАК ВАТАНГА

Ҳар бир халқнинг миллий ва маънавий тараққиёти унинг ёш авлод баркамоллиги ва маънавий-илмий тафаккурини шакллантириш йўлидаги гамхўрлигида тўқис намояндир. Истиклол йилларида бу борада катта имкониятлар рўйбга чиқарилмоқда.


Авалло, мамлакатимизда йirik университетлар тармоғи вужудга келтирилди. Иқтидорли ёшларнинг хорихдаги энг нуфузли билим даргоҳларида тахсил олишлари учун шароитлар яратилди. Касб-хунар таълимини бугунги куннинг зарур эҳтиёжларига мувофиқлаштиришнинг бутун бир тизими амалга оширилмоқда. Барча вилоят ва туманларимизда, йirik қишлоқларимизда коллежларнинг мухташам бинолари қад кўтармоқда. Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умумий дастурига биноан эса мамлакатимизда янги мактаблар қуриш ва мавжуд мактабларни реконструкциялаш, уларни ўқув жиҳозлари ва ускуналар, техник воситалар билан таъминлаш озаосидан кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу йилги биринчи кўнгирик — Билимлар кунини мамлакатимиз ёшлари, мактаб останаига эндигина қадм қўйган

фарзандларимиз шодон кайфиятда кўтиб олдилар. Бу йил биринчи синфга борган 523 мингга яқин ўғил-қизларимиз ўн икки номдаги ўқув куроллари жойланган мактаб сумкаларини Президентимиз номидан ҳада сифатида олдилар. Ёш авлоднинг соғлом униб-ўсиши ва таълим олиши, баркамоллиги йўлида қилинаётган бундай гамхўрликлар замирида улуг ниятларимиз мустақим. Ўз мустақиллигини қўлга киритган, унинг ўн бешинчи довоғига қадм қўйган миллимиз тараққиёти учун фақат олий маълумотли ёҳуд хунарли ва шунчаки дипломли мутахассисларгина кифоа эмас. Халқимиз, юртимизнинг буюк келажиги учун Берунои Хоразмийнинг илм машаълани баланд кўтармадан, Мирзо Улугбекнинг осмон илми билан куролланиб, коинотнинг змистон пучини моқларини ёритадиган ва унга теран назар ташлай оладиган, Ҳабиб Абдулла-

ларнинг қадрига етиш, озодлигимизни ҳаммийа уйғоқ нигоҳ ва хушёр кўз билан ҳимоя қилиш, миллий бойликларимизни, юртимизнинг бетакрор гузаллигини кўз қорачуғидек асраш, экологик тафаккурни шакллантириш борасида ҳам қилинадиган ишлар озмунча эмас. Тобора тошлоқ ва тўқинди-хоналарга айланиб бораётган дарёллар атрофини гўзал бог ва оромгоҳларга айлантириш, одамлар хоридқ чиқарадиган обод жиҳазлар вужудга келтириш, дарё ва булоқларимизнинг ҳар мисқоли олтинга тенг сувидан тежаб фойдаланиш орқали тоғлиқлар, чўл ва саҳроларимиз кифоасини янаштин бўйича қиладиган ишларимиз ҳам истеъдод эгаларининг янги-янги кашфиётларини тақозо этади. Буларнинг ҳаммасига биз фақат илм зиёси билан, истеъдодлар камоли билан эришамиз. Ватанимизнинг барча таълим масканларида янги ўқув йилининг илк сабоқлари — мустақиллик дарслари ана шу руҳда ўтди. Ёшларнинг соф қалбига мустақиллигимизнинг асл моҳияти, ҳурриятимизнинг улуг даъватлари, бизнинг бу борадаги бурч ва вазифаларимиз жойланди.



ЭСКИ ЖЎВАДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР



Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан шаҳримизда улкан бунёдкорлик ишшоотлари, боғлар, кўприклар, саройлар, ажойиб иморатлар ишга туширилди. Хусусан, Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида байрам арафасида очилган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбек либослари галереяси, Болалар ижодиёти

Мухаррир мидбару

Дунё тарихига назар ташлаб биламизким, одамлар қаерда яшамасинлар, бир-бирларининг ҳаётига, урф-одатларига, яхши-ёмон ишларига ҳаммийа қизиқиб келганлар. Яхши амалларидан ибрат олганлар. Бундай қизиқилишнинг замирида, шубҳасиз, эзгу ният ётган. Зеро, турли миллат, маданият ва диний эътиқод вакилларининг ўзаро яқинлашуви эзгулик ва бағрикенгликка хизмат қилган.

Бундай алоқалар зарурати бугунги мураккаб дунёда янада катта аҳамиятга эга, десак муволажа бўлмас. Фақат бир шарт шукки, ўзаро алоқага киришувчилар фақат ўз манфаатларини ўйлаб, иккинчи томонга томонинг тепасидан туриб назар ташламаслиги керак. Америка Қўшма Штатларининг кўнгина олийгоҳларида Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари тарихи тили, маданияти ва урф-одатларини ўрганувчи қўллаб-қўллаш марказлари мавжуд. Газетамиз саҳифаларида улар фаолияти, ибратли ишлари, эришяётган ютуқлари тўғрисида қўллаб мақолалар эълон қилганмиз. Қўшма Штатлардаги Виржиния университетиде ҳам Осиё ва Яқин Шарқ минтақасида яшовчи халқларнинг тили ва маданиятини ўрганувчи кафедра мавжуд экан. Биз буну яқинда шу кафедра доценти Шон Т. Лайонз жанобларининг матбуотда эълон қилинган бир мақолаларини ўқиб билиб олдик. Тилимизни, маданиятимизни ўрганишяётган бўлишига, оталарига раҳмат, яхши ниятлари уларига йўлдош бўлсин дедик. Аммо...

ЖАВОБ

Гап шундаки, жаноб Лайонз қаламига мансуб мақолада мамлакатимизда нашр этилаётган бир қатор газеталар, шу жумладан бизнинг ҳафталигимиз ҳам, Ўзбекистон ҳукумати, мамлакат раҳбариятини қўллаб-қувватлаётганликда айбондлар. Мухтарам доцентга Ўзбек матбуотининг Андижон воқеаларига муносабати, газеталаримизда мамлакатимиз, халқимизнинг тинч ҳаётини издан чиқаришига бўлган уришлар кескин қораланаётганини, бу тўғрисида оддий газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари эълон қилинаётгани ёқмайдик.

Савол туғилади — жавоб Лайонзда бу қадар ҳукмфармолик қилиб, суверен бир давлатнинг оммавий ахборот воситаларига баҳо бериш, уларга айблов эълон қилиш ҳуқуқи борми? Қачон ва ким томонидан берилган бу ҳуқуқ? Биздаги маълумотларга қараганда, у киши ҳозирча мамлакатимизда чиқадиган бирорта газета ёки бошқа бир нашрнинг ҳўжайини ёки муассиси эмас, ошқора, балким энг учинда бирор нима узаитиб қўйган жойлари ҳам йўқ. Мақола мазмунидан кўриниб турибдики, адабиёт газетасини муноазам ўқиб ҳам бормайдилар. Ўқиб борганларида, ҳар қалай, олим деган номлари бор экан, олимлик принциpidан келиб чиқиб, илмий кузатувнинг қийинчиликлари озаосидан эозроқ фойдаланганларида, бундай сассиқ маънага ҳожаат бўлмади.

Гарбда боқ-бадавлат одамлар йirik нашрларни ўз тасарруфларига оладилар, кереғача ва ундан ҳам ортик харажат қиладилар ва тахрирнинг «еган оғиз уялар» дегандай, нашрнинг принципиал йўналишини белгилашда ҳўжайиннинг хоҳиш-иродасини, албатта, ҳисобга олади. Бу энди ҳаммага аён ҳақиқат. Бордию жаноб Лайонз шундай мақомга эга бўлганларида, биз ҳам бу қоидага чурқ этмай амал қилиб, тақсирим, бюросинлар, дея куллуқ қилар эдик. Майли, бусиз ҳам холис фикрни, адолатли танқидни қабул қилишга тайёриймиз. Ўзбек матбуоти, шулар қаторида, адабиёт газетаси ҳам, бугун мукамалликка эришиб бўлди, ўз вазифасини қўйилмақом қилиб бажармоқда, ҳеч қандай камчилиги йўқ, деб олмаймиз. Ниммага эришганимизни ва ниммага эришмаганимизни яхши биламиз. Юпанчимиз шундаки, ҳар ҳолда, аста-секинлик билан бўлса-да олдинга қараб бораёلمиз. Жамият тараққиёти суръатларидан орқанда қолаётганимиз йўқ. Хорис ниятли кишилар, газетхонларимиз буну билиб, сезиб ва баҳолаб турибдилар.

Доцент жаноблари, бордию сиз узокдан туриб сўқайган мантика асосланмаган бўлсақ, демас биз ҳам, бошқа ишларимизни йиғиштириб қўйиб, масалан 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган жиноят қоралочиларини оқлашимиз, бу мудиш террорчи ташқарлаб мақоладан ёзган Америка газеталарини, ҳамкасбларимизни сотқинликда айблашимизга тўғри келади. Сиз айтяётган кўрсатмаларга амал қиладиган бўлсақ, Лондонда портлашлар содир этган кимсалар ҳақида ёзаятган нашрлар ҳам қип-қизил сотқин бўлиб чиқди. Кўнгиллари яна нимани тусайди? Кимматли вақтларини аямая, бизга бундан бунд нима иш қилишимизни, қайси йўлдан юришимизни, кимни оқлаб, кимни қоралашимизни, бунд вақтларимизда нима билан шуғулланшимизни ёзиб юборсалар, ҳўб иш бўларди-да. Газетамизда ижодкорларнинг янги асарларидан парчалар эълон қиламиз, маданият ҳаётини ёритаемиз, сатир ва юморга эътиборимиз кучли. Балки, бу ишларни қўйиб, «Бели оғриманнинг нон ёйишини кўр» деган янги рунк очиб, сиз ва сиз тоифа «устоз»ларнинг «доно» маслаҳатларини бериб борганимиз маъқулдир. Дарвоқе, ҳажвага қалайсиз? «Шум боланнинг чойхонасида бир отамлашасак бўларкан. Уяйлаб кўринг. Бундай дейяётганимга асло ҳафа бўлмаган. Негаки, мақолагизни ўқиган одамнинг, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, камида бир ҳафта кўнгли айниди. Чунки, сиз тўқкан маъна, агар билсангиз, маъна сифатида ҳам ўта сифатсиз. Яна бир гап шукки, касбимиз этикасига биноан, масалан, мен ҳеч қачон Америка, Канада ёҳуд Бразилияда чиқадиган бирор бир нашр фаолиятига баҳо бермайман. Улар нимани ёзишди, қандай ёзишди, нимадан тийилишди ва нимадан тийилишмайди, бу уларнинг ички иши: Ҳар бир нашр ўз муштарийлари олдида ҳисоб беради. Муштарийларнинг баҳоси — баҳо, танқиди — танқид. Бинобарин, бизнинг газета ҳам ўз ўқувчилари олдида масъулиятли.

Ғалимизнинг ҳулосаси шукки, жаноб Лайонз бордию тўхматдан холи бўлмаган маъзур мақоласини тайёрлашда бирорта шогирд боланинг «холис» хизматидан фойдаланган бўлсалар (мақолани ўқиган одамда айни шундай таъсавуур туғилиши аниқ), афсуслан бўлмайди, доцент жаноблари шогирд танлашда бироз янглишган кўринадилар. Алқисса, қаердаки бўқчининг ишига сувоқчи аралашдими, ишининг пачаваси чинди даявиринг.

Салим АШУР БЕБАҲО НЕЪМАТ

ёҳуд оадиё одамларнинг бахти

Мустақиллик завқи билан яшаётганимизга 14 йил бўлди. Ғайратли дўстим бор, тиниб-тиниб қиламан, доим иш билан банд, табиатан шундайки, турмушда, рўзгорда доим ниманидир ўзгартириб, янгилаб туради. Ўзгартирган ҳам қимларгадир ўқшаб хонадаги шақф билан триомнинг ўрнини эмас, янгилашганда ҳам айримларга ўқшаб костюм ёки машинасини эмас, меҳнатини ўзгартиради, меҳнатини янгилади, яъни бир йил пахта, галла етиштиради, яна бир йил пилла, асалари, чорва билан шуғулланади, иссиқхона тутайди. Утган йил қўзиқорин парваришлади. Хитойдан урганиб келдим, дейди. Энди балиқ боқишни мўлжаллапти. Шу йилгит бир нарсдан қийналади: бундан йигирма йил олдин ҳарбий хизматда бўлган — Узок Шарқда. Белини совуққа олдириган. Ушандан бунд муттасил равишда ҳар йили даволанади. Баъзан, белогригим бўлмаганда космонавт бўлардим, дейди ҳазил аралаш. Баъзан эса, бу дард менга шўролар истибодидан қолган асорат, бу асорат умрим охиригача қийнаса керак, дейди. Тўғри, бу ярамас дард уни энди ҳеч қўйормайди. Шу хасталик бўлмаганда бундан ҳам кўпроқ ишлар қилардим, бундан ҳам яхшироқ яшардим, дейди. Ва бу гапи тўғри ҳам. Мен эса унга собиқ тузум сенга эмас минглаб, миллионлаб

ўзбекларга, бутун бир халққа бундан ҳам оғир дард қолдирган, дейман. У эса мустақилликки, истакчанча яшаш, ишлаш иҳтиёри ўзимиздаки, белим азоб берса ҳам бошимни фоз кўтариб, қадимини тит тубти юраман, бўлма-са, бунқайиб қолардим, дейди. Узим йигирма йил аввал, ҳарбий хизматдан келдим уша пайтда ёшлар газетасига ҳат ёздим — «Собиқ аскарнинг мактуби» қабилида. У эълон қилинди. Хатда, эй тенгдошлар, миллатдошлар, ҳарбийга бориш учун алоҳида тайёрланганлар, шуғулланганлар, иссиқхона тутайди, спортга ошно бўлинганлар, чинқинганлар, деб ёзганман. Ҳозир ўйласам, беқора шундай деб ёзмаган-дирман.



Университетда ўқирдик — йигирма йиллар аввал. Ўқитувчиларимиздан бири Туркияга бориб келди. Таасуротларини гапиришни шундай бошлаган эди: туркияликлар шаҳардами, қишлоқдами, қаерга боришимасин, қайси муассаса ёки идорага киришимасин, бирор бир раҳбарга қандай бўлишдан қатъий назар, озгакки ёки ёзма муражаат қилишимасин, муомала, алоқа воситаси турк тили бўлиб қолаверар экан...

Бугунги кунимиздан назар ташласақ, бундай ҳолат гайрита-

Шеъринг назди Сирожиддин РАУФ

ВАПАТАН

Бу замин дарёю тоғлари билан қачон бино бўлган? Билмас ҳеч банд. У киши шавқати, доғлари билан Қизиқш ўйғотар кундан-кун манда. Утмишининг турфарига қабатларига Уйларим бош уриб, қақнайдим ёдим: Ер шарин мана шу сарҳадларида Илк бор туғ қадан қайси аждодим? Азиз бўлиб қай кун жулдур саҳролар, Қай замон муқаддас саналган тупроқ? Не учун қасд айлаб келса Доролар Ажалнинг кўзига тик боққан Широқ?


У қандай туйғудир — ҳаётдан аъло, Қақон қилиб ҳар дам жону жисмини, Ғанимлар бошига солгучи яғмо, Юракдан ўчириб кўркүз исмини? «Бирлашасан, бизники бўлади очун!» — Ҳайқириб, от суриб ҳам сўла ўнега, Ёнга ташланаркан билмас лочин, Ушала ҳисни туйғандир Амир Эр Тунга.

Шўролар ўтмишини қоралаш мақсадида баъзан шунга ўқшаб мулоҳазаларга бериляётгандек туюлишимиз мумкин, лекин инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор — одам қайси тилда гапирса, ўша тилда фикрлайди. Уялаб қўрилса, собиқ иттифокнинг истибодди ҳар биримизнинг тақдиримизда қай даражада бўлса-да, қора из қолдирган. Бугун эса юрагимиздаги излар бошқача.

Ватан, яраднинг ҳар бир сония Ўксатдин, топталдинг чарх ўйинида. Буқалаеи қаддинги тилқайин дея, Қон кечди Менгбурни Аму бўйида. Қонар сиқиб оқди, бағринг доғлади — Мазаумлар оҳию қилич жаранчи. Улуғ савашларга чорлаб, боғлади Соҳибқирон Амир Темур яранчи. Шу шонли курашлар ёритди йўлинг, Тийра кечмишининг кундузи бўлиб.

Давоми иккинчи бетда.

САНЪАТ ИНСТИТУТИ ЯНГИ БИНОДА



Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти янги ўқув йилини жаҳон андозаларига жавоб берувчи янги бинода бошлади. Бу бино мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб тўхталардан бири бўлди. Байрам тантаналари арафасида Юртбошимиз янги бинони кўздан кечириб, институт профессор, ўқитувчилари ва талаба-ёшлари билан суҳбатлашди. Президентимизнинг санъат ва санъаткор шахси ҳақидаги фикрлари, ўқув жараёнини ташкил этиш борасидаги тақлиф ва мулоҳазалари суҳбат иштирокчиларида катта таасурот қолдирди. Айниқса, ўзбек театр санъати довуғрини жаҳонга ёйиш лозимлиги ва бунга юксак истеъдод ҳамда чўқур билим орқали эришиш мум-

кинлиги ҳақидаги фикрлар ёшлар учун дастуриламал бўлиб қолади. Ҳукуматимизнинг ўзбек театр санъати ва унинг келажаги борасида бундай гамхўрлиги М.Уйғур, Е.Бобожонов, А.Ҳидоятлов, Л.Сарим-соқова, Ш.Бурхонов, С.Эшонтураев ва, Х.Носирова каби санъатимиз даргалари ижодий анъаналарини давом эттириш, замонавий ўзбек санъатини юксак мақомга кўтариши йўлида янги изланишларга чорлайди, устоз-мураббийлар ва талабаларни Ватанимиз, элу-юрт равнақи йўлида янада фидойилик билан иш-лашга, ўқишга илҳомлантиради.

М.ҲОЖИМАТОВА
СУРАТЛАРДА: Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ташқи кўринишлари. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (Ўза) олган суратлар.

